

МЕТАЛЛАРДАГИ БАДИЙ БЕЗАКЛАР

*Наманган вилоят тарихи маданияти давлат музейининг катта
илмий ходими **Комилова Зулфия.***

Инсоният ҳаётида унинг онг-шуури ривожланишида мухим аҳамият касб этган энг ибтидоий предметлардан тортиб тараққиётнинг юксакдара -жадаги поғоналарида яратилган ноёб ашёларгача жамланган музейларни тарих, маънавият ва санъат хазинаси деб тариф берилиши бежиз эмасдир.

Музейларимиз нафақат асори-атиқаларни сақловчи, балки илмий тадқиқотлар ва таълим – тарбия тадбирларини олиб борувчи муассаса ҳам ҳисобланади. Музейларда сақланиб келаётган турли экспонатларнинг ҳар бирининг ўз тарихи мавжуддир. Асори – атиқалар турли-туман бўлишига қарамасдан уларнинг илк яратилиши тарихи омиллари мавжуд. Тарихий манбааларга юзланадиган бўлсак, металлга бадиий безак бериш қадим замонларда пайдо бўлган ва ҳозиргача арслар оша ривожланиб бориб, аста келган. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг ҳазинасида сақланиб келаётган асрларга оид бўлган асори-атиқалар ичидаги бадиий безаксиз ва безакли металл буюмларнинг турлича усууллардаги ясалган наъмуналарини кўришингиз мумкин. Шу жумладан – қурол-аслахалардан ханжар, қин қилич, ойболта, ўқларнинг учлари, уй-рўзгор буюмлари, зеб-зийнатлар, жумладан мунчоқлар, от анжомлари, турли зарурий уй-рўзгор буюмларини мисол этишимиз зарур. 19-асрдан бошлаб, турли хил металл буюмларни безашда асосан ўсимликсизон ва геометрик нақшлар ҳамда эпиграфика – яъни ислом санъати анъаналаридан фойдаланилган. 19-20-асрларда асосан кандакорлик буюмлари асосан шаҳарлар аҳолисининг кундалик ҳаётида жуда хам мухим ўрин тутган эди. Тарихий битикларнинг баъзиларида 1860-йилларнинг ўрталарида хунармандчилик ва савдо-сотиқда Тошкентнинг бозорида 32 та мискарлик

буюмлари ва безакли буюмлар сотиладиган дўконлар мавжуд бўлган. 19-аср охирига келиб ўймакорлик ривожланиб ўймакорлик каби буюмлари урфга кирганди. Мис кандикорлиги буюмларини ясашда кўплаб йўналишдаги усталар иштирок этишган. Мискарлар қизил ёки сариқ мисдан идишнинг танасини ясашган , сўнгра ички қатламини эса, қалай билан қартиришган. Рихтагарларимиз идишларнинг тутқичлари, қапқоқ дасталари, жўмракларни учлари, ошиқ-мошиқларини қуишишган. Кандикорлар асосан буюмларга зарб ватурли усулда ўймакорлик билан безак беришган. Узун ва у ичи бўш идишларга зарб билан нақш солиш пайтида уларнинг ички томонини шиббаланган қум ёки латталар билан тўлдирилган. Зарб билан ясалган нашқш солиш-нозик меҳнатни талааб этиб, турли хилдаги қаламлар, болғачалар билан, шунингдек нақшбосилган - дан сўнг унинг юза қисмларини силлиқлашда ишлатиладиган маҳсус меҳнат асбоблари яъни ранда ва маскол ёрдамида бажарилган. Сўнгра 19-асрнинг иккинчи ярмига келиб, Марказий Осиёга фабрикаларида ясалган металл буюмларни жуда кўп микдорда олиб келиниши сабабли усталар томонидан анъанавий идишларни ишлаб чиқариш билан бирга янги шаклдаги буюмлар яъни шарсимон чайнаклар, турлича самаварлар, қахва қайнатадиган турли хил идишлар, гулдонлар ясай бошлаган эдилар. Ўзбекистонда ыадимдан ясалган безакли металл буюмлари безак бериш ва айрим деталдаги шакллари билан ажralиб туради. Ўймакорлик усули бир хил бўлган, асосий фарқ факат ўйма нақшнинг чуқурлигига ҳамда замин ва нақшлар юза қисмини безашда турли усуллардан фойдаланишда бўган. Фарғона кандикорлиги қадар чуқур бўлмаган, бироқ ўйма нақшларининг аниқлиги, заминга ишлов бериш усуллари ва нақшлар сиртининг хилма-хиллиги билан фарқланиб турган. Баъзи металл буюмларга безак бериш жараёнида араб ёзувларидан ҳам фойдаланишганлигини буюмларда кўришимиз мумкин. 19-асрнинг охири ва 20-аср бошларидағи буюмларда бундайс безаклар билан араб ёзувларини ҳамоҳанглиги мавжуддир. Мисол учун куръон ёзувлари, даволашда ишлатиладиган дуолар мохирона ишланган. Шунинг

билин бирга чирмасиб ўсадиган ўсимликлар тасвиirlари ҳам кўплаб учрайди. Мис ўймакорлиги буюмларида яна зооморф яъни хайвонот дунёси мавзуси ҳам бор. Жумладан металл буюмларда чашма булбул, қўчқорак, пушти балиқ, қушлар дунёси. Водий мискарлари томонидан ясалган патнисларни кўрадиган бўлсақ, унинг ўртаси доира шаклида белгиланиб, ўртасига бирор придмет, нақш, хайвон ёки ўсимлик тасвирини болғалаш усулида солинган. Шу ўринда юқоридаги фикрларни янада боитиш учун қуидаги манбааларга ҳам юзлансак. Ўзбекистон худудида шаҳар маданиятига доир бўлган ҳалқ амалий санъатининг анъанавий тури кандакорликнинг асосий мактаб марказлари 18-20-асрлар бошида ўзбек хонликлари давридаёқ ривожланган эди. Бу даврда буюмларнинг таснифи муқобил мутаносиблик, плпстик ва ифодавийлик, қотор семантик маънога эга орнамент ва нақшлар, қолаверса ашёларнинг ўзига ҳос шаклларида акс этган. 19-20-аср кандикорларлиги мактабларининг маҳаллий ўзига хослиги билан такидланганидек ажралиб турди. Бу хусусиятлар буюмларнинг шакли, нақш табиати, техник ечими акс этганлиги билан характерланади. Энг қадимги яъни дастлабки мис-кандикорлик буюмлари ранглаштирилмаган ҳолда бажарилган. Асрлар оша такомуллик натижасида металл буюм ясаш санъат даражасига кўтарилиб борди. Лекин шуни ҳам такидлаш керакки, янги хусусиятлар пайдо бўлсада, асосий мезонлари – нақшинкор безакдарлик ва нақшлар композицион тартиби ўзгаришсиз қолди. Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Чуст кандикорлик, заргарлик, мискарлик, темирчилик, тунукасозлик, пичоқчилик каби ҳалқ ҳунармандчилиги билан машхур ва шунингдек металлга ишлов беришда ҳам ўз услублари бор. Бу ерда жездан буюм ясаш қадимдан тараққий топган. Мискар кандикор усталар томонидан яратилган пиёла, коса, чойнақ, мис лаган, мис товоқ, мис баркаш, мис кўза, хумча, кумғон, сатил, чилопчин, кашгул, мантиқосқон каби турли метал буюмлар наъмуналари музейимизнинг энг ноёб асори-атиқалари қаторидан ўрин олган. Мис-кандакори буюмларининг асосий қоидаларидан бири асосий давра

нақшининг чегара – атрофларини нақшлар билан якунланишидир. Патнис ва косаларнинг ён деворлари нақшинкор ҳошиялар билан тугатилиши муқар-пар бўлган. Хаттоки сув учун мунжалланган идишлар офтоба, обдаста, қумғон ва кўзалар ҳам ингичка тасмалар билан бўлмаларга бўлинган бўлиб, тасмаларга нақш ишланган ва улар композицияда бўлувчи ҳошия сифатида ишлатилгандир. 19-аср кандикорлигига тўхтадиган бўлсак, бу давр кандикорлари мис ва жезга ишлов беришда чуқур ўйма – кандакори, чизма, бқундан ташқари панжара шаклидаги-шабақа, кам ҳолларда тошлар ва сим билан безаш усулларидан кенг фойдаланишган. Музейларимизда сақланиб келаётган энг қадимий металл буюмлар 13-17-асрларга оид хисобланади. Жумладан конуссимон ёки бошқа шаклдаги тагликлар шулар жумласидандир. Ушбу буюмларнинг бўйин қисми цилиндрлик, ҳалқали дастаси бор қопқоқли кўринишида ишланганлигини кузатамиз. Юмалоқ ва жуда ҳам енгил металл идишларнинг юза қисмida тирнаб туширилган нақшлари мавжуд. Чоқ чизиқларига иккитадан илмоқли этиб бу буюмларни елкага осиб юришни мўнжалланган. Осма жойига чарм ёки металл занжирдан фойдаланишган. Бундайин металлардан ишланган буюмларнинг кўринишига кўра дастаси оғир, букилган ва чирмашган новдалар шаклини хосил этганини кўришимиз мумкин. Қапқоқларининг марказидаги нақш асосий қисимдаги нақшлар билан уйғунлашиб кетганини кўган киши устанинг меҳнатига тасанно айтмасдан қолмайди. Музей фондида маҳаллий усталар ясаган буюмлардан ташқари, Россиядан келтирилган самаварлар, сувдонлар, хочлар, Эрон, Хитой, Ҳиндистон усталарининг зооморф, антроморф ва самовий мотивлар билан боғлиқ бўлган буюмларнинг ўзига хослиги одамни ўзига жалб этиб келмоқда. Ҳар бир халқнинг ўзигагина хос тарихи, ўз тараққиёт йўлига эга бўлгани унинг бетакрор миллий ўзлик, социал-ижтимоий ва эстетик – ахлоқий ривожланиш хусусиятларини белгилаб беради. Аждодларимиз яратган бу анъана-қадриятларни боитган ҳолда келажак авлодларга етказиш ҳар бир халқнинг ижтимоий ёки маданий-маънавий

тараққиётининг барча даврий босқичларида асосий тамоили бўлиб келган. Бугунги кунда музей экспозитциялари ва кўргазмаларида турли металлардан хунармандларимиз томонидан ишланган, давлат каталогига киритилган буюмлар намоиш этилиб келмоқда. Улар замонавий усталар учун битмас-тугалмас илхом манбайи ва Марказий Осиё халқларининг қадимий ва бой маданиятини кўз-кўз қилувчи бой меросимиздир. Ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг тарихий, маънавий, бадиий ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ягона оммабоп йўналишдаги музейлар зарур. Шундай нуфузга эга музейлардан бири Намангандардан тарихи ва маданияти давлат музейи ҳисобланади.

Шу ўринда мозийга юзлансак, диёrimizning моддий ва бадиий маданиятининг тарихи архиология, санъатшунослик, этнография ва манбаашунослик фанлари ҳавоскор ўлкашуносларнинг тўгараклари ва маҳаллий маърифатпарвар зиёлийларнинг фаолияти натижасида кашф этилиб, маҳаллий ахоли қўлида сақланган турли асори-атиқалар музейлар ҳазиналарига келтирилди.

Намангандардан тарихи ва маданияти давлат музейининг ҳазинасида ўйма ва қадама нақшли чой идишлар, мис лаганлар, мис тогоралар, мис обдасталар, мис самаварлар, сувинирларни юздар ортиқ тури мавжуд. Бу мискарлик буюмлари маҳаллий мискарлар томонидан ясалган ва бир неча асрлик тарихга эга ёдгорликлар наъмуналари ҳисобланади. Музей доимо юқорида маълумотларда берилган асори-атиқаларни маҳаллий ахолидан музей ҳазинасига келтириш, уларга илмий тавсиф бериш, зиёратчиларга номоён этиш ишларини илмий ходимлар томонидан бажариб боришишмоқда. Юқорида қайд этилган турли металллардан таёrlанган қадимий асори атиқаларимизни бошқа экспонатла қаторида асраб авайлаш истиқлол йилларида хам янада далзарб вазифаларимиз қаторидан жой олди.

Дарҳақиқат миллий маданий мерос ҳар бир халқнинг тарихи, қиёфаси ва келажагини белгиловчи асосий омилдир. Биз маданий

меросимизни ўрганмасак, ким эканимизни, қандай тарихий илдизларга эга эканимизни асло англай олмаймиз. Бу эса маънавий таназзулга етаклашини хаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятини илк давридаёқ халқимизнинг бой маданий меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга жуда катта эътибор қаратган эдилар.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбек миллий Энциклопедияси.2006-йил.
2. “Мозийдан садо” – илмий-амалий, маънавий- маърифий журнали.
3. “Тамаддун силсиласи” – илмий журнал- 2022-2023 йил
4. “Музей халқ тарихининг қўзгуси” – Музейларни қўллаб-куватлаш республика “Ўзбекмузей” жамланмаси.2011йил.